



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БИЛАН ВИДОЛАШУВ



ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан Нукус шаҳар Ёшлар марказида мотам маросими бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, Шимоли-ғарбий ҳарбий округи, Нукус шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

— Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди, — дейди Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи директори Светлана Сон. — Давлатимиз раҳбарининг болаларга меҳри бўлакча эди. Ёш авлод тарбиясига алоҳида аҳамият қаратиб, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол улғайиши учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий шароитлар яратилди. Айниқса, етим болаларнинг бошини силаб, ғамхўрлик кўрсатиб, жамиятда ўз ўрнини топиши учун улкан имкониятлар яратди. Бунинг натижасида кўплаб тарбиячиларимиз турли соҳаларнинг етук мутахассиси бўлиш билан бирга бугунги бунёдкорлик ишларининг фаол иштирокчисига айланди. Ҳаёт чуқур қайдда.

юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва биз, ёшлар учун Президентимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлар муҳасам, — дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети магистри А.Пахратдинова. — Биз, ёшлар мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ғамхўрлигига муносиб бўламыз, давлатимиз раҳбарининг порлоқ хотирасини ҳеч қачон унутмаймиз, доимо ёдда сақлаймиз.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларида ўтказилмоқда.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

ЧУҚУР ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Буюк давлат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан Сурхондарё вилоятида ҳам мотам маросимлари ўтказилмоқда.

Термиз шаҳар Ёшлар маркази биносидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар Президентимиз хотирасига таъзим бажо келтирди.

Сурхондарё вилоятининг мустақиллик йилларида иқтисодий барқарор, саноат ривожланган ҳудудга айланиб, аҳоли турмуш даражаси муттадил юксалиб бораётгани Ислам Каримов номи билан боғлиқдир. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган туб таркибий ўзгариш ва янгиланишлар вилоятда замонавий саноатни изчил ривожлантиришга хизмат қилди. Хорижий сармоялар иштирокида ички ва ташқи бозорда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 50 дан ортқ қўшма корхона ташкил этилди. «Шингдонг Спиннинг Термиз» қўшма корхонасида пахта толаси, «Интер силк про» қўшма корхонасида пилла хомашисидан, ип-кавала,

самарасида қишлоқда етакчи кучга айланиб, аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлайдиган етакчи куч сифатида эътироф этилмоқда.

— Халқимиз оғир жудотика учради, — дейди термизлик меҳнат фахрийси Робия Тилакова. — Ватанимиз, инсонимиз, фарзандларимиз улғайиши дунёга кенг намоён этган ҳалқпарвар Юртбошимиздан айрилиб қолди. Мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари самарасидан ёш кекса бирдек баҳраманд бўлмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида қад рўстлаган замонавий таълим муассасалари, спорт иншоотлари навқирон авлоднинг бахтумуаси ишга туширилди. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қад рўстлаган замонавий уй-жойлар қишлоқ аҳолиси учун муносиб турмуш шароити яратишда муҳим аҳамият касб этди. Вилоят маркази Термиз мамлакатимизнинг жанубдаги мустаҳкам қўрғони, замонавий шаҳарга айланди. Фермерлик ҳаракати аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ишхотлар

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Мамлакатимиз, бутун халқимиз оғир жудотика учради. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов 2016 йил 2 сентябрь куни вафот этди. Шу муносабат билан 2016 йил 3 сентябрдан мамлакатимизда уч кунлик мотам эълон қилинди. Мамлакатимизда ва хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналарида Ўзбекистоннинг давлат байроқлари туширилди.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари кўчаларида ўн минглаб ватандошларимиз чуқур қайғу ва кўз ёшлари билан Президентимиз билан видолашди.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 3 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов билан видолашув маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан вакиллар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Маросимда Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани Афғонистон ва Ўзбекистон халқлари азалдан яхши қўшничилик муносабатларида яшаб келаётганини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирди. Ислам Каримов Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган ШХТ саммитида Президентимиз билан учрашуви ғоят мазмунли бўлганини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси Бош вазир Дмитрий Медведев Ислам Каримовнинг оила аъзолари ва Ўзбекистон халқига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин номидан таъзия билдирди. Ислам Каримов буюк давлат арбоби бўлганини, ўз халқига, Ватанига хизмат қилишни юқори даражага кўтарганини таъкидлади. Ислам Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар иттифоқчилик даражасига кўтарилишига катта ҳисса қўшганини алоҳида қайд этди.

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош вазирини Ўринбосари Чжан Гаоли Ислам Каримов мустақил Ўзбекистон Республикасининг асосчиси эканини, ўтган йилларда Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланганини таъкидлади. Ислам Каримов бошлаган буюк ишлар давом этиши ва мамлакат янада равнақ топишига ишонч билдирди. Ислам Каримовнинг улкан хизматлари билан жорий йилнинг июнь ойида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилганини, Хитой Ўзбекистон билан

Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов том маънодаги ватанпарвар инсон ва буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи Ислам Каримовнинг барча ташаббуслари халқаро майдонда қўллаб-қувватланганини, Туркменистонда ёшу қари у кишини чин дилдан ҳурмат қилишини таъкидлади. Ислам Каримов Туркменистон — Ўзбекистон ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини қайд этиб, Туркменистонда майдон ва кўчаларга Ислам Каримов номи берилишини маълум қилди.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан халқимизга ҳамдардлик билдириб, Ислам Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ўз халқи ва Ватанига фидокорона хизмат қилишининг ёрқин намунаси эканини таъкидлади. Ислам Каримовнинг оқилона сиёсати натижасида Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик қарор топгани, тараққиётнинг «Ўзбек модели» самарасида мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 6 баробар ўсгани ва аҳоли турмуш даражаси юксалганини алоҳида қайд этди.

Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани Афғонистон ва Ўзбекистон халқлари азалдан яхши қўшничилик муносабатларида яшаб келаётганини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирди. Ислам Каримов Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган ШХТ саммитида Президентимиз билан учрашуви ғоят мазмунли бўлганини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси Бош вазир Дмитрий Медведев Ислам Каримовнинг оила аъзолари ва Ўзбекистон халқига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин номидан таъзия билдирди. Ислам Каримов буюк давлат арбоби бўлганини, ўз халқига, Ватанига хизмат қилишни юқори даражага кўтарганини таъкидлади. Ислам Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар иттифоқчилик даражасига кўтарилишига катта ҳисса қўшганини алоҳида қайд этди.

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош вазирини Ўринбосари Чжан Гаоли Ислам Каримов мустақил Ўзбекистон Республикасининг асосчиси эканини, ўтган йилларда Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланганини таъкидлади. Ислам Каримов бошлаган буюк ишлар давом этиши ва мамлакат янада равнақ топишига ишонч билдирди. Ислам Каримовнинг улкан хизматлари билан жорий йилнинг июнь ойида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилганини, Хитой Ўзбекистон билан

ҳамкорликни изчил ривожлантиришга тайёр эканини қайд этди.

Қозғистон Республикаси Бош вазир Карим Масимов Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг халқимизга ҳамдардлик билдирилган мактубини ўқиб берди. Унда Қозғистон халқи Ислам Каримов вафот этгани тўғрисидаги машум хабарни чуқур қайғу билан қабул қилгани айtilган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳаётида рўй берган кенг қўламли ўзгаришлар, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи юксалгани, аҳоли турмуш даражаси ошгани бевосита Ислам Каримов номи билан боғлиқ экани таъкидланган. Қозғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган Ислам Каримовнинг оила аъзоларига, бутун халқимизга ҳамдардлик билдирилган.

Беларусь Республикаси Бош вазир Андрей Кобяков Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко ва Беларусь халқи номидан Ислам Каримовнинг оила аъзолари, яқинларига, бутун халқимизга чуқур ҳамдардлик билдирди. Буюк инсон, улуг йўлбозчи бўлган Ислам Каримов бутун куч ва имкониятларини ўз халқи, Ватани равнақига сарф этганини таъкидлади. Президентимизнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган ҳикматли сўзлари мустақил ва қудратли Ўзбекистон Республикасини барпо этишда асос бўлганини, бугун мамлакатимиз кўптармоқли иқтисодиётга эга, тинчлик элчиси бўлган давлатга айланишини қайд этди.

Қирғизистон Республикаси Бош вазир Сооронбай Жээнбеков Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбаевнинг Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти вафоти муносабати билан халқимизга чуқур таъзия билдирилган мактубини ўқиб берди. Унда буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи Ислам Каримовнинг қатъий саъй-ҳаракатлари билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга ижобий ечим топилгани, бу бугунги кунда ҳам халқларимиз манфаатларига хизмат қилаётгани таъкидланган.

Муслмончилик урф-одатларига биноан Регистон мажмуасидаги Тиллақори мадрасасида жаноза намози ўқилди.

Ислам Каримов ўзининг васиятига биноан ота-онаси мангу кўним топан Шох Зинда қабристонида дафн этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мамлакатимиз мустақиллиги ва янги давлатчилигининг асосчиси, буюк сиёсатчи, тинчликпарвар ва халқпарвар давлат раҳбари, доно ислохотчи ва комил инсон Ислам Каримовнинг сўнам хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади. Бу видолашув маросимида иштирок этган ўн минглаб ватандошларимиз, бутун халқимиз дилидаги сўзлардир.

ЎЗА

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

■ Партия гоёларини тарғиб қилиш, унинг сафини фидойи, интеллектуал салоҳияти юқори, интилувчан йигит-қизлар билан кенгайтиришда «Истиқбол» ёшлар қаноти алоҳида ўрин тутди.

Ҳаракат дастури ижроси

электорат манфаатларига хизмат қилмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар электорат манфаатлари ҳимоясида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари унинг ижросига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мазкур Ҳаракат дастурида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни партия гуруҳларида ўрганиш, доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига олиб чиқиш белгиланган. Ҳўш, бу борада қандай натижаларга эришилмоқда?

— Ҳаракат дастури ижросида депутатларимиз алоҳида фаоллик кўрсатмоқда, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Акмал Турсунбоев**. — Хусусан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган турли масалалар чуқур ўрганилиб, уларнинг счимни назоратта олинмоқда.

Ҳаракат дастури асосида бу йил 198 масала ўрганилиши белгиланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар уларнинг 126 таси партия гуруҳларида, 72 таси доимий комиссия йиғилишларида ва 50 таси сессиялар муҳокамасига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бунда электорат манфаатлари ҳимоясига, хусусан, бандлик дастури ижроси, битирувчиларни ишга жойлаштириш, қонун ва қарорлар ижросини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мисол учун, жорий йилнинг биринчи чорагида Ҳаракат дастури доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар

колежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар 9 ҳудудда тегишли тартибда ўрганилди. Мазкур масала халқ депутатлари Қўнғирот, Тўрақўрғон, Сарийосиё, Марҳамат, Асака ҳамда Оҳангарон туман, Ангрен шаҳар Кенгашлари сессияларига киритилиб, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат ўрнатилди.

— Партиямиз гуруҳи ташаббуси билан август ойида янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси ўрганилиб, сессияда муҳокама этилди, — дейди **халқ депутатлари Пастдарғом туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Расул Йўлдошев**. — Ўрганиш натижаларига кўра, туманда жорий йилнинг биринчи ярмида минглаб янги иш ўрни яратилгани маълум бўлди.

Шулардан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 300 дан ортиқ, қишлоқ хўжалигида 50 га яқин, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, ишла-

маётган корхоналар фаолиятини тиклаш натижасида 100 дан ортиқ янги иш ўрни очилди. Жорий йил январь-июнь ойлари давомида 11 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, унга кўплаб корхона ва ташкилотлар жалб этилди. 200 нафардан ортиқ фуқаро ишга жойлаштириш учун йўлланма олди. Шундан 120 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

Депутатлар, шунингдек, жойларда ижтимоий

ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, айниқса, қиз болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиш ва чекка ҳудудларда янги спорт объекти қурилиши, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганишди. Андижон вилоятининг Избоскан, Бухоро вилоятининг Олот, Навоий вилоятининг Конимех туманларида мазкур масалалар сессияларда атрофлича кўриб чиқилди.

Ҳаракат дастурига биноан пенсия ва нафақа пулларининг тайинланиши, ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жойлар берилиши, ажратилаётган моддий ёрдам маблағларининг манзилли сарфланишини ўрганиш ва ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш йўналишларида муайян ишлар олиб борилди.

Бундан ташқари, Ҳаракат дастурига биноан пенсия ва нафақа пулларининг тайинланиши, ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жойлар берилиши, ажратилаётган моддий ёрдам маблағларининг манзилли сарфланишини ўрганиш ва ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш йўналишларида муайян ишлар олиб борилди. Ички йўлларни таъмирлаш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш масалалари босқичма-босқич ўрганилди.

Айтиш керакки, партия ташкилоти, депутат учун электорат манфаати йўлидаги масаланинг катта-кичиги бўлмади. Ишимизда амалий натижалар кўпайиши учун ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини атрофлича таҳлил қилишимиз, аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб боришимиз талаб этилади.

Гулуҳ ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САВОЛ ВА ЖАВОБ



Бир хонали уйим бор. У ерда гўзаллик салони очмоқчиман. Бунинг учун нима қилишим керак?

Мухлиса МАМАДАШЕВА,
Тошкент шаҳри.

Давронбек АҲМАТОВ,
адвокат:

— **Турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказишда дастлаб таянч ва тўсиқ конструкцияларига боғлиқ жойлар реконструкция қилинади. Объектни қайта ўзгартириш ёки реконструкциялашда, бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини, фасадни таъмирлашда, юктамалар ҳажмларида таъмир қилмайдиган ҳолда турар жойни нотурар жойга ўтказишнинг ўз талаб ва шартлари мавжуд.**

Бунда ариза берувчи қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўлиқ риоя қилиши лозим. Келишилган қурилиш лойиҳаси ёки фасад эскизида кўрсатилган объектни қайта ўзгартириш, реконструкциялаш, бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини таъмирлаш, турар жойни нотурар жойга ўтказиш аниқ белгиланган бўлмоғи керак.

Шунингдек, турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказиётганда рухсат беришнинг ҳам ўзига хос тартиби бор. Аввало, турар жой албатта уй-жойнинг пастки қаватида жойлашган ҳамда алоҳида кириш йўлаги қилиш имконияти бўлиши даркор.

Масалан, савдо майдони 1000 квадрат метрдан ортиқ бўлган дўконлар, ихтисослаштирилган балиқ ва сабзавот дўконлари, ёнғин хавфига эга моддалар ҳамда материаллар, яъни кимёвий бўёқчилик товарлари, маиший кимё, синтетик гилам маҳсулотлари, қурилиш материаллари, автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари сотиладиган дўконлар, шунингдек, ишлатилган кийимларни сотадиган воситачилик дўконлари кўп квартиралли уй-жойларга тақаб жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Умуман олганда, бир хонали хонадоннинг биринчи қаватда бўлса, шунингдек, юқоридаги талабларга риоя этсангиз, уни гўзаллик салонига айлантиришингиз мумкин.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Сиёсий партия самарали фаолият юритиши, кенг жамоатчилик ўртасида нуфузи ва обрўси ортиши кўп жиҳатдан малакали кадрларга боғлиқ. ЎзХДП ташкилотларида кадрлар сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, тизимли ўқувлар, семинар-тренинглار ўтказиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Сиёсий ўқувлар

кадрлар салоҳиятини оширади

Хусусан, Хоразм вилоят кенгаши жорий йил давомида партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ҳодимлар салоҳиятини ошириш мақсадида мунтазам равишда ўқув-семинарлар ўтказмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил қилиш ва жамоатчилик қабулхоналари ишини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

Унда Хоразм вилоят кенгаши масъул ходимлари, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари, бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда жамоатчилик қабулхоналари ролини кучайтириш, бу борада бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Семинарда вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Гулом Сапаев, бўлим мудири Нодира Одамбоева, бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори мудири Жасур Рўзимов ва бошқалар бошланғич партия ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кўнма жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини такомиллаштириш, муружаатлар ечимида маҳаллий Кенгашлар депутатлари имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан аниқ тақлиф-таъсиялар беришди, айрим партия ташкилотлари иши танқидий таҳлил этилди.

Тадбир якунида келгусидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Райхон ДАВЛЕТОВА,
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши бўлим мудири.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ


ТАШАББУСКОР ЁШЛАР

партия ишини кучайтиришга ҳисса қўшади

Партия гоёларини тарғиб қилиш, унинг сафини фидойи, интеллектуал салоҳияти юқори, интилувчан йигит-қизлар билан кенгайтиришда ёшлар қаноти алоҳида ўрин тутди. Биргина жорий йилнинг ўзида мазкур тузилма томонидан айтиш шу мақсадда юзлаб тадбирлар, ўқув-семинар ва акциялар ўтказилди.

— Жорий йилда Хоразм вилояти ҳамда Тошкент шаҳри «Ёш сиёсатчилар» клуби фаоллари томонидан www.siyosat.zn.uz ва www.yosh-siyosatchi.uz веб-сайтлари яратилди, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш масалалари сектори мудири Умurbек Бектемиров**. — Бу партия гоёларини интернет тармоғида ҳам кенг ёйишда долзарб ўрин тутди. Шу билан бирга, клублар жорий йилнинг дастлабки олти ойи давомида республика миқёсида 180 га яқин тадбир ташкил этди. Айниқса, Хоразм, Жиззах, Фарғона, Қашқадарё, Андижон, Сурхондарё вилоят партия кенгашларидаги «Ёш сиёсатчилар» клуби аъзолари бу борада алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

«Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловиди иштирок этиш истагини билдирувчи йигит-қизлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу йилги кўрик-танловда жами 19500 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашди.



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

«Йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда «Ёш сиёсатчилар» клубининг ўрни ва аҳамияти», «Ёшлар — ёшларга» мавзуларидаги семинар-тренинглари, давра суҳбатларида тегишли маълумотларни қўллаш, «Истиқбол билимдонлари» лигаси ва «Parlament» дебати ўйинлари эса йигит-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини мустаҳкамлашга хизмат қиляпти. «Қонун ижодкорлиги ёшларни ҳаққонда менинг иштироким», «Ёшларни ёрдам қилиш, турли қарашлар таъсиридан асраш — мақсадимиз» лойиҳалари кенг қамровлиги, олис ҳудудларга етиб бормаси билан алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тан олиш керакки, фаолиятимизда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Эндиликда бу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш, партия обрўсини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар узвийлигини таъминлаш лозим. Яқдиллик ва ҳамжиҳатлик билан, ўз ишimiz-

га жиддий ёндашсак, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга эришамиз.

— Ўтган давр мобайнида қанот ташаббуси билан бир қатор лойиҳалар амалга оширилди, — дейди **Хоразм вилоят партия кенгаши ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича сектор мудири Алишер Жуманиёзов**. — Вилоятимиз ёшлари ишга туширган веб-сайтида клуб фаолияти онлайн тарзда ёритилмоқда. Натижада иқтидорли ва билимли ёшлар сафимизга келиб қўшилмоқда.

— Бугунги кунда Фарғона вилоятида 16 минг нафарга яқин ёш Ўзбекистон ХДПга аъзо ҳисобланади, — дейди **ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши сектор мудири Аҳмадали Ҳакимов**. — Улар орасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони эгалари, Давлат стипендиантлари, спортчилар,

фан, санъат, адабиёт соҳаларида катта ютуқларга эришган ижодкор ёшлар борлиги, албатта, қувонарли ҳол.

Партия ёшларнинг ижтимоий-сиёсий билимини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш борасида устувор вазифалар белгилаб олган. Уларни амалга оширишда етакчиларнинг ўрни муҳимдир. Шу боис ҳар бир етакчи ўз устида тинимсиз ишлаши, ташаббускор, интилувчан бўлиши зарур.

Менимча, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари сектори мудири, «Ёш сиёсатчилар» клуби координаторлари учун ёзги ўқув лагерлари ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса партиямиз ёш кадрларининг билим ва савияси ошишига хизмат қилади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИҚТИСОДИЁТ

■ Айти пайтда ушбу соҳада 8 мингга яқин корхона фаолият юритиб, уларда 95 минг нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

ЕНГИЛ САНОАТ: ХОМАШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГА

Мустақиллик йилларида енгил саноатда амалга оширилган ислохотлар натижасида бугун юртимиз хомашёни қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи мамлакатга айланиб бормоқда.

Айти пайтда ушбу соҳада 8 мингга яқин корхона фаолият юритиб, уларда 95 минг нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Бу корхоналарда бўлган ип калава, газлама ва матолар, хушбичим тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари, замонавий чойшаблар ва гилам каби тайёр маҳсулотларнинг 350 дан ортиқ турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.


Сўнгги 10 йил ичида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,3 баробарга, маҳсулотлар экспорти эса қарийб 4 баробарга ўсди ва ишлаб чиқариш таркибида тайёр маҳсулотларнинг улуши 65 фоиздан ортди.

Агарда мустақилликнинг дастлабки йилларида бутун тармоқнинг экспорт салоҳияти бор-йўли 7 миллион долларни ташкил этган бўлса, айти пайтда енгил саноат маҳсулотларининг экспорти 1 миллиард доллардан зиёддир. Шунингдек, тармоқда ишлаб чиқарилган тўқимачилик ҳамда тайёр кийим-кечак маҳсулотлари жаҳоннинг 60 дан ортиқ давлатига экспорт қилинмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда Бразилия,

Чили, Хорватия, Нигерия каби мамлакатларга ҳам кўплаб турдаги енгил саноат маҳсулотларининг экспорти йўлга қўйилди.

Бундай юксак натижаларга эришишда тармоқда амалга оширилган туб ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, бутунлай тўхтаб қолган эски ип-йигирув комбинатлари ўрнига замонавий технологиялар билан жиҳозланган хорижий ҳамда қўшма корхоналар ташкил этилди. Кўплаб корхоналар модернизация қилиниб, уларда жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Корхоналарга берилган имтиёз ва преференциялар ҳам уларнинг ташқи бозорда мустақкам ўрин эгаллашига қулай имкон яратди. Ушбу имтиёзлардан самарали фойдаланиш эвазига иқтисод қилинган маблағлар эса янги қувватларни барпо этишга ҳамда зарур хомашё ва материалларни харид қилишга йўналтирилди.

Ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом этирилмоқда. Айниқса, пахта толасини қайта ишлашни йўлга қўйишга катта эъти-



бор берилаётир. 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш дастури асосида тўқимачилик сано-

Сўнгги 10 йил ичида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,3 баробарга, маҳсулотлар экспорти эса қарийб 4 баробарга ўсди ва ишлаб чиқариш таркибида тайёр маҳсулотларнинг улуши 65 фоиздан ортди.

лари асосида вертикал интеграциялашган, яъни қайта ишлашнинг 3 босқичли тизимига таянган ҳолда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган тўқимачилик мажмуалари бунёд этилади.

Бу тизимнинг моҳияти шундаки, **биринчи босқич**да пахта толасини қайта ишлаш орқали бирламчи ярим тайёр маҳсулот — ип калава ишлаб чиқарилади. **Иккинчи босқич** эса ип калавани асосий ярим тайёр материаллар, яъни газлама ва матога айлантириш циклини қамраб олади. **Учинчи**

— **сўнгги босқич**да газлама ва матолардан тайёр маҳсулотлар ҳамда кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади.

Натижада юқори сифатли экологик тоза ҳамда харидоригр тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон енгил саноатини янги ривожланиш босқичига олиб чиқишга мустақкам замин бўлади.

Бунёд РАЖАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги
бўлим бошлиғи.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁ

55 ЙИЛДАН СЎНГ
биринчи тижорий
авиарейс АҚШдан Кубага
йўл олди



Бу 1961 йилдан бери биринчи марта амалга оширилган авиарейсдир. Бу ҳақда РБК сайти хабар берди.

Хаво кemasининг парвози бир соатга яқин давом этди ва Кубадаги Санта-Клара аэропортига қўнди.

Маълумки, 2014 йилда Барак Обама маъмурияти Куба билан 50 йил олдин ўзилган дипломатик алоқаларни тиклашга қарор қилганди. Шу йил март ойида эса АҚШ президенти 88 йил мобайнида биринчи бор орол-давлатга ташриф буюрди.

ИСПАНИЯ
ПАРЛАМЕНТИ

НОМЗОДИНИ ТАСДИҚЛАМАДИ

Испания парламентининг қўйи палатаси — депутатлар конгресси ҳуқуқат раиси вазифасини бажарувчи ва Халқ партияси етакчиси Мариано



Рахойни бош вазир лавозимига тасдиқламади. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Овоз бериш якунларига кўра, 350 ўринли конгрессда Рахой номзодини 170 нафар депутат маъқуллади. Бироқ унинг лавозимига тасдиқланиши учун 6 овоз етмади.

Энди иккинчи бор овоз бериш бўлиб ўтади. Агар шунда ҳам унинг номзоди маъқулламас, мамлакатда бир йил ичида учинчи сайловлар белгила-ниши, парламентнинг икки палатаси эса тарқатиб юборилиши мумкин.

МИСРДАН
КЕЛТИРИЛГАН
ҚУЛУПНАЙ

САРИҚ КАСАЛИ САБАБЧИСИ

Мисрдан келтирилган музлатилган қулупнай АҚШдаги 6 штатда 55 кишининг гепатит А вируси билан касалланишига сабаб бўлди. Бу ҳақда Интерфакс мамлакат касалликлари назорати ва профилактикаси маркази маълумотларига асосланиб хабар бермоқда.



Касалликнинг яширин даври узоқ — 15 кундан 50 кунгача давом этиши туфайли унга чалинганлар сони ортиши ақтимолдан холи эмас, дея таъкидламоқда мутахассислар.

Беморларнинг ёши 15 дан 68 гача эканлиги айтилмоқда.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компаниясида интернет фойдаланувчилари учун онлайн тартибда саволларга жавоб бериш йўли орқали сугурта асосларини ўрганиш ва уларнинг соҳага оид билимларини текшириб кўриш имконини берувчи модуль ишга туширилди. Онлайн тартибда ишлайётган мазкур ишланмадан фойдаланаётганлар сони кун сайин ортмоқда.

СУГУРТАДА
ЯНГИ МОДУЛЬ

www.uzbekinvest.uz веб-сайтида жойлаштирилган ушбу янги модулдан сугурта масалалари, хусусан, сугуртанинг мажбурий ва ихтиёрий турлари, сугурта даъволарини кўриб чиқиш тартиби, шунингдек, компаниянинг фаолияти билан боғлиқ маълумотларга эга бўлишни истоганлар фойдаланиши мумкин.

— Сугурта соҳасини мустақил ўрганиш ҳамда эгалланган билимларни тест топшириш орқали текшириб кўриш имконини берувчи янги модуль аҳолининг сугурта маданиятини оширишга хизмат қилади, — дейди компания департаменти менежери Мукаррам Алибоева. — Янги ишланма ҳар бир мутахассис учун билимлар манбаи бўлиб, ходимларимиз ва агентларимизнинг ҳам малакаси онлайн режимида оширил-

моқда. Бу эса вақтни ва маблағни тежаш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида компанияда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, сугурта шартномаларини тузишда ва сугурта ҳодисалари юз берганда миқозларга амалий кўмак берувчи ахборот-маслаҳат гуруҳлари ташкил этилди. Ҳозир мазкур гуруҳлар сугурта соҳасига оид қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва уларга киритилаётган ўзгаришлар, мавжуд сугурта турлари, сугурта шартномаси шартлари, сугурта даъволарини кўриб чиқиш қоидалари ва бошқа масалалар тўғрисидаги маълумотларни миқозларга етказмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.

ТАДБИР

СОДИҚЛИК ҚАСАМЁДИ



ИИБ Академиясида 1-ўқув курси тингловчилари тантанали равишда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимининг Қасамёдини қабул қилдилар.

Маълумки, Қасамёд қабул қилиш шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шайини, ор-номусини ўртага қўйиб, Ватан ва халқ олдидаги масъулиятли ва шарафли бурчини садоқат билан адо этиш ҳақидаги аҳддир.

Тадбирни Академия бошлиғи, генерал-майор Шавкат Икрамов кириш сўзи билан очар экан, ота-она учун фарзандининг камолини, эл

қорига ярайдиган инсон бўлишини кўришдан ортиқроқ бахт йўқлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг 1-ўқув курси тингловчилари навбат билан тантанали тарзда қасамёд қилишди.

Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Алишер Мирзаев қасамёд қабул қилган тингловчилар Академияда яратилган имкониятлар, профессор-ўқитувчилар

ҳамда устоз-мураббийларнинг билим ва тажрибала-ридан самарали фойдаланиб, етук мутахассис кадрлар бўлиб етиштирилиши лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг профессор-ўқитувчилар номидан ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш кафедраси бошлиғи, полковник Исмомиддин Исмоилов, отоналар номидан Зулхумор Атнамова сўзга чиқиб, эл-юрт осойишталигини асрашдек муқаддас вазифани бажаришга шай турган ёшлар

берилган топшириқларни виждонан ва сидқидилдан адо этишлари, ота-онаси ҳамда устозлари ишончини оқлашларида омад ёр бўлишини тилашди.

1-ўқув курси тингловчиси Авзал Раҳматуллаев сафдошлари номидан она Ватан учун, виждонан хизмат қилишга ҳамиша тайёр эканликларини изҳор этди.

Анъанага мувофиқ, аъло ўқиши, намунали хулқи, жамоат ишларидаги фаоллиги билан сафдошларига ўрнак бўлаётган тингловчиларни «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг стипендианти» Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш тўғрисидаги Ички ишлар вазирининг буйруғи ўқиб эшиттирилди. Вазир стипендиатлари — иккинчи курс тингловчиси Навруз Муҳаммадиев, учинчи курс тингловчиси Гулшоҳа Уткирова ҳамда тўртинчи курс тингловчиси Улугбек Омоновга Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Ушбу тантана тингловчилар ҳамда уларнинг яқинлари ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

■ Бу дунёда ҳаёт борки, оила, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Одамзот ҳамиша фарзанд камолини кўришни, унинг ўзидан ҳам яхшироқ турмуш кечиришини истайди, ана шундай орзу-интилиш билан яшайди.

Оила — эзгу ниятлар маскани

Энг ибтидоий жамоа давридан бошлаб то ҳозиргача ўтказилган турли экспериментлар, натижаси шуни кўрсатадики, бола ҳар қандай муҳитда вояга етишидан қатъи назар, уни тарбиялашда ота-она ўрнини боса оладиган бирор-бир муқо-бил омил бўлмаган. Оилада ота-онанинг бир-бирига, атроф-дагиларга муносабати фарзанд тарбиясига таъсир қилган. Соғлом маънавий муҳит мавжудлиги эса боланинг ҳар томонлама теран мулоҳазали, ҳар бир вазиятни мустақил баҳолайдиган ва тўғри ҳулоса чиқарадиган инсон бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Авалло шуни айтиш керакки, мустақиллик йилларида қайси йил қандай номланишидан қатъи назар, барчасининг мақсади, мазмуни ҳаммаси инсон фаровонлиги, жамият равнақи, соғлом авлод баркамоллиги, оила ҳамжиҳатлигига йўналтирилганини кўрамиз. Соғлом она ва бола йили ҳам ана шу эътибор ҳамда ғамхўрликнинг мантикий давоми ҳисобланади.

Бу дунёда ҳаёт борки, оила, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Одамзод ҳамиша фарзанд камолини кўришни, унинг ўзидан ҳам яхшироқ турмуш кечиришини истайди, ана шундай орзу-интилиш билан яшайди. Демак, ёшларнинг тарбиясида ота-онанинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давоми-лигини таъминлайдиган ибрат ва маънавият кўргони бўлиши оилани мустаҳкамлаш жамиятдаги ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Қиз бола онаси ва унинг оилада ўзини туттишига қараб, ўртак олади, ўғил эса ота-сининг атрофдагиларга нисбатан муносабатини идрок қилиб борар экан, худди шундай тарбия топади. Бу психологик қонуният шахсининг оиладаги шахсий ва жинсий ижтимоийлашувининг етакчи тамойили ҳисобланади. Оила — маҳалла — таълим муассасаси тизимида энг аввало шуни ҳисобга олиш муҳими, боланинг ижтимоий муносабатларга тайёр

бўлишида оиладаги педагогик муҳит бирламчи ўринда туради ва уни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди.

Ҳўш, кўча болалари, тарбияси оғир болалар қаердан пайдо бўлади? Жиноятга қўл ураётган ўсмирлар ҳам ота-она бағрида улғайган-ку! Оилада эр ва хотин ўртасида инноклик бўлмаса, ёки ота-онанинг атрофдагиларга нисбатан ёлгон-яшиқ ишлатиши, алдов-хиёнат ҳолатлари мавжуд бўлса, ўзаро муносабатлар таранглашиб боради. Бундай муносабатлар нафақат уларга, балки ўзи яшаётган муҳитга, биринчи навбатда фарзандларга салбий таъсир этади, ёшларнинг ижтимоийлашув жараёнига тўғаноқ бўлади. Оилада мавжуд бўлган бундай педагогик муҳит ҳар қандай жамиятда муаммоларни келтириб чиқаради.

Оила тарбияли бўлиши учун аввало ота-она тарбияли бўлиши лозим. Шунда фарзанд катта, мустақил ҳаётга, жумладан, оилавий ҳаётга тайёрланади, ўзига яраша сифат ва фазилатларни шакллантириб боради, ҳар томонлама етук, баркамол, ақлли, соғлом бўлиб вояга етади. Оиладаги соғлом маънавий муҳит болани жамиятда ўз ўрнини топишга, муомала қилиш, фаолият юритиш, касб-ҳунарни бўлиш, одоб-ахлоқ қоидаларига бўйсуннишга ўргатади, психологик жиҳатдан тайёрлайди. Оилада бола тарбиясида,



юрған оилаларга жамоатчилик таъсири кучайтирилиб, лозим топилганда, нотинч оилаларда профилактик тадбирлар ўтказилаётгани, республика умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-хунардан олганлар ва лицейларда давомат, ўқувчилар кийиниш маданиятининг тартибга солиниши ҳам ахлоқий тарбиянинг узвий давоми-дир.

Республика «Оила» илмий амалий маркази томонидан юксак маданиятга эришган тажрибалари оммалаштирилиб, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-хунардан олганлар ва лицейларда таълим олаётган қизлар учун «Ораста қизлар ён дафтари-си», ўғил болалар учун «Ота-ларнинг олтин ўғити» қўллан-маси чоп қилинди ва улар ин-тернетдаги «Оила» маркази сайтига ҳам жойлаштирилди. Бу эса ушбу манбалардан оммавий фойдаланиш имкони-ни яратяпти.

Инсон ўзига ато этилган бахтнинг тўртдан уч қисмини оиладан, қолган бир қисмини бошқа омиллardan топар экан. Ота-она барча эзгу ниятлари, орзу-истакларини фарзанд тақдири билан боғлайди, ўз келажагини уларнинг бахт-ис-тиқболида кўради. Барча эзгу фазилатларни ўзида мужассам қилган фарзанд оила қувончи, жамият таянчидир.

Соғлом она ва бола йилида қабул қилинган Давлат дас-турида оила, оналик ва бола-лиқни муҳофаза қилиш тизими-ни янада мустаҳкамлаш, сифат даражасини кўтариш, бу бора-да қўлама ва моҳиятига қўра, улкан ишларни амалга ошириш жамиятимизда оила бахти учун қилинаётган эзгу ишларнинг да-воми ҳисобланади.

Дилбархон ИМИНОВА,
Андижон давлат университети
ўқитувачиси.

айниқса, ота етакчи рол ўйнай-ди. У аввало юриш-туриши, одамлар билан муомаласи, ёлгон гапирмаслиги, лафзида туриши, ваъдасига вафо қили-ши билан ўртак бўлади. Ота болалар билан суҳбатлашиш-га вақт топиши, уларнинг қизи-қишларига алоҳида эътибор қаратиши, лозим бўлса, қўл-

лаб-қувватлаши керак. Аёл қудрати, унинг оила-даги иштироки эркаклар билан тенглигини намоён қилиш-да эмас, балки назокат ва меҳр-шафқатда, ўзига хос иф-фат, кийиниш одоби, кишилар билан муносабатда ибобли, ан-дишали бўлиш каби ахлоқий сифатлардадир. Шунинг учун қизлар тарбияси ва маънавий камолотида фақат оила дои-расида эмас, жамият нуқтаи назаридан эътибор бериш ке-рак.

Қизлар оилада, жамоат жойларида юриш-туриши, ахлоқ доирасида ўзини тути-ши, ота-онага итоатда бўлиши сингари одобнинг нозик то-монларига ўргатилиши керак. Она зиммасидаги бу масъ-улият натижаси фарзандлар улғайганида, уларнинг хатти-ҳаракатида, қўни-қўшничилик-да, атрофдаги инсонлар билан ижтимоий муносабатларда ўз аксини топади. Демак биз на-

фақат оиладаги, балки маҳал-ла-қўйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам боланинг шакл-ланиб келаётган соф қалби ва онига қандай таъсир кўрса-тишини эътиборга олишимиз керак.

Ҳар қандай мамлакат тарақ-қиёти ўша юртдаги оила мус-тахкамлиги, уларнинг барқа-рорлигига чамбарчас боғлиқ-дир. Оила — барча эзгу тилак-лар, орзу-умидлар рўёбга чи-қадиған қутлуг маскан ҳисоб-ланади. Зеро, инсон ўз саода-тини аввало оиласи бағридан топади.

Ҳаётнинг абадийлиги, ав-лодлар давомиёлигини таъ-минлайдиган миллий ва диний урф-одатларимизни асраб-авайлайдиган ва уларни кел-гуси авлодга етказадиган тар-бия маскани — оиладир.

Таълим муассасалари ва маҳалла фаоллари ҳамкорли-гида фарзандлари ўқишга бор-май, кўча-қўйда, бозор-учарда

**Оила — барча
эзгу тилаклар,
орзу-умидлар
рўёбга чиқадиган
қутлуг маскан
ҳисобланади.
Зеро, инсон ўз
саодатини
аввало оиласи
бағридан топади.**

СПОРТ

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакл-лантириш жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимоя-га муҳтож қатламлари, ногирон ва жисмоний им-конияти чекланган ёшларнинг ҳам билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, ўз қизиқиши ва интилишига қўра касб-хунардан эгаллаш, спорт бил-лан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

ПАРАЛИМПИАЧЛАРИМИЗ БРАЗИЛИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган XV Паралимпия ўйинларида 32 нафар юртдошимиз спортнинг дзюдо, сузиш, енгил атлетика, ўқ отиш ва пауэрлифтинг турлари бўйича иштирок этадилар. Ўтган давр мобайнида паралимпиячиларимиз жаҳон чемпионатлари, ха-лқаро турнирларда муно-сиб иштирок этди. 2014 йили Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтган Параолимпия ўйинларида спортчиларимиз 22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза ме-дални қўлга киритгани бу-нинг далилидир.

Жорий йилнинг 7-18 сентябрь кунлари Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтади-ган XV Паралимпия ўйин-ларида дунёнинг 170 дан зиёд давлатидан тўрт мингдан ортиқ спортчи 23

спорт тури бўйича мусо-бақаларда медаллар учун курашади.

— Паралимпия ўйинла-рида сузишнинг бешта йўналиши бўйича баҳс-ларда қатнашаман, — дей-ди Фотима Омилова. — Мазкур нуфузли мусоба-қага ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрдик. Мам-лакатимизда биз, ёшлар-нинг таълим-тарбия оли-шимиз, спорт билан му-назаам шуғулланишимиз учун кенг имкониятлар яратилган. Бу имконият-лардан оқилона фойдала-ниб, Паралимпия ўйинла-рида Ўзбекистон ёшлари-нинг иродасини, шижоа-тини, салоҳиятини намо-ён қилишга астойдил ҳа-ракат қиламиз.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА» ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры.
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан,
г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33,
(+99890) 187-52-05.
E-mail: est2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz,
www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla Oripov
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Kerakona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruqsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
8786
nuxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 02:24
Topshirilgan vaqti — 03:50

Sotuvda kelishilgan narxda

ЎИҚМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН

Ёнғоқ минг
йил яшайди,
арча билан
тенг яшайди

Мутахассисларнинг аниқлашича, турли ме-вали ва манзарали дарахтлар турлича умр кўради: масалан, олча бор-йўғи 18-25 йил умр кўрса, анжир ва ёнғоқ 90-100 йил умр кўради. Олимларнинг ёзишича, «Дунёда арчанинг 47 тури, МДХда 20, Ўрта Осиёда 8, Ўзбекистонда эса 3 тури (булар «Ўрик арча» ёки «Туркистон арча-си»; «Қизил арча» ёки «Зарафшон арчаси»; «Совур арча» ёки «Ярим шарсимон арча» деб ата-лади) мавжуд. Ўрик арча минг йилгача умр кўра-ди». Юқоридаги мақол-да «Ёнғоқ — узоқ умр кўрувчи дарахт» деган фикр муболага билан, ўз ўрнида ишлатилган.

Ёнғоқ олсанг
— чақиб ол,
ипак олсанг
— боқиб ол

Одатда, ёнғоқнинг тўқ ё пучлигини чақиб кўр-май туриб билиш қийин. Ипак матонинг қандай-лигини (масалан, атлас-нинг неча «тепки»лиги-ни) синчиклаб қарамай туриб, билиш қийин. Мазкур мақол «Ҳар бир нарсани сотиб олаётган-да унинг сифатини об-дон текшир, ўзингнинг ақлинг етмаса, билади-ганлар билан маслаҳат-лаш. Акс ҳолда, пулинг қуяди, чув тушасан, аф-сус ейсан» деган маъно-ни билдиради. Бу фикр-ни қувватловчи «Олган-да якка ўзинг олган бўлсанг, сотганда отанг билан ҳам сотолмайсан», деган мақол ҳам бор.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+37/+23	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+38/+25	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+38/+23	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+38/+25	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+36/+23	
Тошкент шаҳри	+35/+20	



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZI KENGASHI

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

